

Бюджет, хўжалик юритувчи ташкилотларга маиший чикиндиларни тўплаш ҳамда олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича 2573 - сонли Шартнома

Самарканд ш.

«14» _____ 2022

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Самарканд шаҳар «Мароканд обод» ДУК номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Ижрочи» деб юритилади) – Тўқмолов Р. ва Низом асосида иш юритувчи _____

«Истеъмолчи» номи)

(қуйида «Истеъмолчи» деб юритилади)

(Лавозими Ф И Ш)

қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзоладик:

1. Шартнома предмети

- 1.1. Мазкур шартнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.
- 1.2. «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун тўловларни «Ижрочи» га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
- 1.3. Томонлар каттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чикиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид ушбу шартнома шартларини бажариши, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрельдаги «Чикиндилар тўғрисида» ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан «Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қоидалари»га риоя қилишни ўз зиммаларига оладилар.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1. Юридик шахслар маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги №-5580 Фармонига асосан, 100 фойзидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса — календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт. Қуйидаги чикиндилар олиб чикиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилотлар алоҳида шартнома асосида келишилган нарх эвазига амалга оширилади.
- 2.2. Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган тарифлар бўйича амалга оширилади. Мазкур тарифлар ўзгарган тақдирда, тўловлар амалдаги янги тариф бўйича амалга оширилади.
- 2.3. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи, Ижрочининг вакили, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолатнома тузилади. Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисида тузилган далолатнома каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бугзгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун асос ҳисобланади. Ижрочи томонидан Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакили томонидан имзоланади. Истеъмолчи, Ижрочининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади. Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош тортганлик сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Ақс ҳолда, Истеъмолчи каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўлатишга ҳақлидир.
- 2.4. Ижрочи Истеъмолчининг чикинди саклаш контейнердаги маиший чикиндиларини олиб чикиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда «Иўналиш варақасига» ва буюртмачини аризасига бажарган ишлари юзасидан белги қўйдиради. Маиший чикиндиларни умумий тўпланиши м3 ҳисобида белгиланади.
- 2.5.

№	Хизмат тури	(М3) Метр куб ҳисобиди (ККС билан)	График асосида ҳафта кунларини кўрсатиш	Шартнома суммаси	
				Бир ойда	Бир йилда
1	Чақирув асосида (Заявка)	60 222,05	<u>24-ноябр, 10-декабр</u>	<u>963 558,8</u>	<u>2 890 658,4</u>

сўм ташкил этади.

3. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиши;

шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларидан фойдаланиш; Ижрочидан каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда Ижрочига ёзма шаклда шикоятлар тақдим этиши ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишини, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорларда неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилиш;

шартнома тузилаётганда, каттик ва суюқ маиший чикиндиларни ўз вақтида чиқариб юбориш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, санитария меъёрлари ва қоидаларида белгиланган сўнги муддатлардан кечиктирмай хизматлар кўрсатиш муддатларини белгилаш;

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиш судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш; каттик ва суюқ маиший чикиндиларни, уларни тегишли турларга ажратган ҳолда, бир мартаба ишлатиладиган алоҳида пакетларга дастлабки саралашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №-787-сонли қарорининг 2 боб, 3 боб, 5 боб ва 6 бобларга риоя қилиниши шарт, 2002 йил 5 апрелдаги «Чикинди тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда чикиндилар ҳисобини юритишга, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этишга; чикиндиларнинг ҳосил бўлиш шартларида белгиланган тартибда чикиндиларни ҳисобини лойиҳаларини ишлаб чиқишга; чикинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар. Каттик маиший чикиндиларни қўчаларга, сув йўллари, атроф-муҳитга, каттик маиший чикиндиларни тўплаш ва қўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлақлар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

каттик маиший чикиндиларни Ижрочининг махсус автотранспорт воситасига ортиш учун ортиш жойига бемалол ўтишни таъминлаш; чикинди тўплаш контейнерлари, чикинди тўплаш шохобчалари, чикинди тўловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрида Ижрочини дарҳол хабардор қилиш;

Каттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чикиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Ижрочи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4% пеня ҳисоблайди, ҳисобланган пеня миқдори қарздорлик суммасининг 50% идан ошмаслиги лозим;

Чикиндиларни қорхона ҳудудида ва руҳсат этилмаган жойларда қўмиб ташлашга йўл қўймаслик; Истеъмолчи қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

4. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Ижрочи шартнома мажбуриятларига риоя қилмагани учун Истеъмолчига нисбатан чоралар кўришга, шунингдек қонунчиликда ёки шартномада белгиланган неустойка (жарима ёки пеня) тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

белгиланган муддатларда қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;
қонунчиликда, мазкур Қондаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонунчиликда ёки шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртма номларини бажариш;

қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;
аҳолининг тўлиқ камраб олинишини таъминловчи ва қонунчилик талабларига мувофиқ, зарур миқдордаги чикинди тўплаш шохобчалари қурилишини амалга ошириш;

чикинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш;

қаттик маиший чикиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёти, саломатлиги, шунингдек аτροφ муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чикиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва ахлат тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиб йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум қилиш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

қаттик маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.

Маиший чикиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Истеъмолчининг жавобгарлиги:

шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

ҳонадонда ёки хусусий уй-жойда истиқомат қилувчиларнинг ҳақиқий сони ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

шартнома шартларида кўзда тутилган қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни махсус ажратилган жойларда тўплаш тартибининг бузилиши.

5.2. Ижрочининг жавобгарлиги:

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик;

қаттик ва суюқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар муддатининг ва мазкур хизматлар кўрсатилаётганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилиши;

Хизматлар кўрсатиш ва камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилганлиги учун жариманиннг ўз вақтида тўланмаганлиги;

Ўз фойдаланишида бўлган қўриқланмайдиган контейнерли чикинди тўплаш шохобчаларининг техник ҳолати;

хизмат кўрсатмаслик ёки сифатсиз кўрсатилган хизматлар натижасида Истеъмолчининг ҳаёти, саломатлиги ва мулкига етказилган зарар.

6. Форс-мажор

6.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фақуллодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилимас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Кўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий ҳаёт-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ижроси бўйича юзага келган низолар, талабнома юборилгандан сўнг тарафлар ўртасида ҳал этилмаган тақдирда, низолар амалдаги қонунчиликка асосан Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8. Шартноманиннг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафда бир нусхадан сақланади. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан кучга киради.

8.1.1. Ушбу шартнома бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли Қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради. Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси Қондалари" га асосан амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

8.3. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

8.4. Ушбу шартномада ўз ифодасини топмаган бошқа масалаларнинг ҳал қилинишида томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 февралдаги 95-сонли Қарори билан "Чикиндиларни олиб кетиш бўйича хизматларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қондалари"га амал қилишади.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реқвизитлари

"Ижрочи"

Самарқанд шаҳар "Мароқанд обод" ДУК

Манзил: Самарқанд шаҳри,

Фирдавсий кўчаси 135 уй

Тел: +998 66 237-06-89; +998 66 237-17-15

Ўзмилий банк Самарқанд бўлими

х/р: 20208000900273927001

МФО: 00278, СТИР: 207201815

Директор

М.Ҳ.

Юрист консултант

"Истеъмолчи"

Манзил: Қашқадарь Республикаси

Тел: 91 317 00 91

Х/р: 100071860184019103405344001

ИНН: 301008318

Ғазначилик бўлими маслиҳатчи номи

ЯГХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси МФО: 00014

Ғазначилик бўлими маслиҳатчи ИНН 201 122 919

Х.С.

(ФИШ реқвизит)

Юридик хулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Ҳужудлик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси" тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ келади.